2018 йил 24 июль, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (13.735)

Баҳоси эркин нархда

## “ИНДОНЕЗИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ”

***Ангрен резина техника маҳсулотлари заводи вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон делегацияси Индонезияга сафар қилди.***

Ташриф чоғида мамлакатимиз вакиллари Goodyear, Continental, Cooper Tires каби автомобиль шиналари бозоридаги жаҳон етакчилари таъминотчиси – Суматрадаги GR компаниясининг табиий каучук қайта ишлаш заводига бордилар.

Бундан ташқари, Жакарта шаҳрида Gapkindo Индонезия каучук ишлаб чиқарувчилар уюшмаси раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Музокарада ўнта табиий каучук қайта ишлаб чиқариш компанияси етакчилари ҳам қатнашдилар. Томонлар ушбу маҳсулотни Индонезиядан Ангрен заводига етказиб бериш масалаларини муҳокама қилдилар. Бу ерда шиналар ва конвейер ленталар ишлаб чиқариш ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Транспорт логистикаси, нархлаш ва ҳисоб-китоб, маҳсулотни сертификатлаш ва унинг сифат кафолати масалалари алоҳида кўриб чиқилди. Музокаралар натижасида Ангрен резина техника маҳсулотлари заводи ва Gapkindo уюшмаси ўртасида табиий каучук етказиб бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

**Gapkindo раҳбари Моенаржи Соедарго** таъкидлашича, мамлакатимиз билан шериклик улкан истиқболга эга.

– Ўзбекистоннинг қулай сармоявий муҳити, географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, яқин келажакда тўлақонли ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилишига ишончим комил. Ҳамкорлик муваффақиятли бўлиши учун уюшмамиз имкониятлари даражасида ҳаракат қилади. Бу Индонезия хусусий сектори ва Ўзбекистон корхоналари ўртасидаги шерикликни ривожлантириш учун муҳим қадам бўлади. Мамлакатингиз биз учун Индонезия билан Марказий Осиёни боғлайдиган ўзига хос кўприк бўлади.

**“Дунё” АА**
*Жакарта*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2017-2021



## ЖАСУРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК МАДҲИ

***Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танлови ва Умумармия қўшиқлар фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Унда Чирчиқ, Наманган, Қарши, Нукус, Фарғона, Жиззах ва Бухоро гарнизонларида жойлашган ҳарбий қисмлар офицерлари ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар иштирок этди.

Иштирокчиларнинг ижро маҳорати таниқли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Кўрик-танловда ижро этилган қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, саф қўшиқлари йўналиши бўйича Нукус гарнизони офицерлар уйининг шартнома бўйича ҳарбий хизматчилари, оддий аскарлар Ақилбек Коразбеков ва Фаррух Одинаевлар жўровоз бўлиб куйлаган “Ватан сарҳади” қўшиғи билан биринчи ўринни эгаллади. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, кичик сержант Ҳотам Абдуллаев “Ўзбекистон мард посбонлари” қўшиғи билан иккинчи ўринни, Наманган гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиси, кичик сержант Бобомурод Нуратов эса “Бу менинг батальоним” қўшиғи билан учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳарбий-ватанпарварлик йўналиши бўйича биринчи ўринни “Ватан” қўшиғини маҳорат билан ижро этган Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, Қуролли Кучлар хизматчиси Шаҳриёрбек Остонбеков қўлга киритди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги хонандалари майор Санжар Раҳимов ҳамда кичик сержант Ҳилола Баратовалар “Ҳарбий учувчилар”, “Ўзбегим ҳарбийлари” қўшиқлари билан иккинчи ва учинчи ўринлардан жой олди.

Шунингдек, лирика ва эстрада қўшиқлари йўналишида ҳам ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринни Фарғона гарнизонидан сержант Асомиддин Чоршанбиев қўлга киритди.

**А.МУСАЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий округининг Фориш тоғ-дала ўқув майдонида Ўзбекистон ва Қозоғистон Мудофаа вазирликлари қўшинлари бўлинмаларининг ноқонуний қуролли тузилмаларни бартараф этиш бўйича биргаликдаги ҳарбий тактик-стратегик ўқувининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.**

**• Сирдарё вилояти Боёвут туманида кўп тармоқли саноат мажмуаси – “NCG ENGINEERING Boyovut” компанияси пойдеворига рамзий тамал тоши қўйилди.**

**• Сурхондарё вилояти Музработ туманида Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ташкил этилган ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус штабнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳ аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари иштирок этган йиғилишда маҳаллаларга бириктирилган уйма-уй юрувчи ишчи гуруҳ аъзоларининг ҳудудларда ёшларнинг ижтимоий аҳволи ва муаммоларини ўрганиш борасида қилаётган ишлари атрофлича таҳлил этилди.**

**• Бухоро вилоятининг Жондор тумани “Паҳлавон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Али паҳлавон” масъулияти чекланган жамияти томонидан тикувчилик цехи ташкил этилди. Собиқ ширкат хўжалигига қарашли бошқарув идорасининг икки қаватли биносини харид қилиш ва таъмирлашга 1 миллиард сўм маблағ сарфланди. “Агробанк“ туман бўлимидан олинган имтиёзли кредит эвазига 33 замонавий тикув машинаси харид қилинди. Цехда қишлоқ хотин-қизларининг 50 нафари иш билан таъминланди.**

**• Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида “Ёшлар – келажагимиз” шиори остида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ўтказилган тадбирда тумандаги 39 корхона-ташкилот ва муассаса 379 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 76 нафар ёш мутахассисга турли соҳаларда ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Италиянинг йиллик даромади уч ярим миллиард долларни ташкил этувчи улкан FIAT CRYSLER компаниясига директорлар бошқаруви кенгашининг қарорига кўра, Майк Марионе раҳбар этиб тайинланди.**

**• Нью-Йоркда ўзиюрар автобусларнинг қатнови синовдан ўтказилди. 20 нафар йўловчини салонига сиғдириб, соатига 30 километр тезликда ҳаракатлана оладиган бундай ҳайдовчисиз автобусларнинг олдидан қандайдир жисм чиқиб қолса у дарҳол тўхташ имкониятига эга.**

**• Японияда жазирама иссиқнинг ҳукм суриши кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Чунончи, ҳароратнинг муттасил 35 даражадан тушмаслиги ва ҳавонинг намлиги 80 фоизни ташкил этиши оқибатида бир кун – ўтган шанбанинг ўзида 12 нафар кексалар ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, метеорологлар кузатуви йўлга қўйилганидан буён рекорд ҳам қайд этилиб, бир кунлик ҳарорат 41 даражага чиқди.**

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

***Пойтахтимизда Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Туркия Республикаси Истанбул университети ҳамкорлигида семинар машғулотлари ташкил этилди, дея хабар беради ЎзА.***

Тадбир терроризм ва экстремизмга қарши курашишда Туркия билан тажриба алмашиш ва шу асосда икки мамлакат таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Бузғунчи ғояларга қарши курашишда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларни диний оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни билимли, ватанпарвар ва ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи Баҳодир Матлюбов, Истанбул университети профессори Мустафо Қараташ ва бошқалар Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг учрашувларида эришилган келишувлар, бунинг натижаси ўлароқ турли соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бораётгани қардош халқларимиз фан, таълим, маънавий-маърифий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратганини алоҳида таъкидлади.

Икки кун давом этган семинарда академия профессор-ўқитувчилари ва курсантлари “Терроризм ва диний экстремизмнинг жамият ҳаётига таҳдидлари”, “Полиция таълим муассасаларида фиқҳ асосларини ўргатиш ва диний таълим бериш масалалари” мавзуларида маърузалар тинглади.

Тадбир доирасида меҳмонлар пойтахтимиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

**Гулноза БОБОЕВА**

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Тошкентдаги Халқаро савдо марказида 23 июль куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири, комиссия ҳамраиси Жамшид Хўжаев, Вьетнам Социалистик Республикаси саноат ва савдо вазирининг ўринбосари Хоанг Куок Вионг ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йилда ўрнатилган. Ўзаро ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, илм-фан, туризм каби кўплаб соҳалардаги алоқаларни тартибга солувчи 20 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистон Вьетнамга ловия, ипак, юқори сифатли пахта толаси, минерал ўғитлар ва бошқа товарлар экспорт қилади. Вьетнам мамлакатимизга ускуналар, электротехника, фармацевтика маҳсулотлари, қаҳва ва чой етказиб беради.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. Бу борадаги кўрсаткич жорий йилнинг ўтган олти ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баравар ортди. Ўзбекистонда Вьетнам сармояси иштирокида тузилган 17 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Вьетнам ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, фан-техника, сайёҳлик, хусусий тадбиркорлик каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Вьетнам делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, хорижий инвестиция жалб қилиш учун яратилаётган шароит, эркин ва кичик саноат зоналаридаги имкониятлар билан таништирилди.

Тадбирда ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистондаги қулай инвестициявий муҳит туфайли Вьетнам ишбилармонларининг юртимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қизиқиши ортиб бораётгани қайд этилди. Савдо, иқтисодиёт, сармоя, хусусий сектор каби йўналишлардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, экологик тоза технологияларни жорий этиш ва ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Вьетнам делегацияси аъзолари қатор вазирлик ва идораларда иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан учрашув ва музокаралар ўтказди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

***"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятида "Халқ розилиги – давлат тараққиётининг бош омили" мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.***

Унда "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши бошқаруви вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори газ истеъмолчилари ва таъминотчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳужжат бўлди.

Маълумотларга кўра ҳозирги кунда республикамизда 6 миллион 143 минг истеъмолчига газ ёқилғиси етказиб берилмоқда. Шулардан 3 миллион 300 минг уй-жой ва 83 мингга яқини улгуржи истеъмолчига табиий газ, 2 миллион 760 минг аҳоли хонадонларига эса суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Улгуржи табиий газ истеъмолчиларининг 5 минг 700 га яқинини саноат корхоналари, 45 минг 500 га яқини маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда 31 минг 500 тасини якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этади.

Анжуманда мутасаддилар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда газ таъминоти корхоналари ходимларининг муомала ва ҳуқуқий маданиятига эътибор қаратиш, юзага келадиган низоли ва баҳсли ҳолатлар, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган чоралар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда "Ўзтрансгаз" бошқарувининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга ошириш, хатларнинг тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида ижро аппарати таркиби 5 нафар мутахассислардан иборат "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими" ташкил этилган.

Таъкидланишича, жорий йилнинг биринчи ярмида 133 нафар, сайёр қабулларда 141 нафар фуқаролар билан бевосита, жамиятнинг "ишонч телефони" орқали 1 179 нафар фуқаролар ва тадбиркорларнинг оғзаки мурожаатлари қабул қилинган ва уларда баён этилган муаммолар ҳал қилинган.

Тадбирда "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти томонидан келгусида қуйи тизимларда мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича таҳлил ва назоратни кучайтириш, жойларда амалий семинар-йиғилишлар ўтказиш йўли билан масъул ходимларнинг малакасини ошириш, шахсий ва сайёр қабуллар ўтказишни оммалаштириш, ҳатто, уйма-уй юриш механизми асосида ишлашга ўтиш кераклиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари йил бошида ишга туширилган замонавий "Call center" фаолияти билан ҳам танишишди.

**Абдували СОДИҚОВ**




**Диққат, янгилик!**

# ХАРИДОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

***Юнусобод туманида "Гудзон" (инглизча транскрипцияда "Good zone" – "яхши зона") дўконлар тармоғига кирувчи янги савдо маркази фаолиятини бошлади.***

Очилиш маросимига кенг жамоатчилик вакиллари, ён-атрофдаги маҳалла аҳолиси ва журналистлар таклиф қилинди.

Тадбирда ҳар доим харидорларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, уларнинг кўнглини топишга интилиш истаги билдирилди, зеро "харидор ҳар доим ҳақ" дейишади.

"Гудзон" дўконлар тармоғининг бошқарувчиси Искандар Тўхтаев биз билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

– "Гудзон" тармоғига кирувчи дўконларнинг ҳар бири, шу жумладан, Юнусободдаги ушбу янги марказга харидорлар ва мижозлар учун қулай дам олиш зонасига эга катта технопарк сифатида қаралади. Умуман дўконда харидорлар учун юқори даражали қулайлик кўзда тутилган. Савдо марказининг очилиши билан 16 кишини иш билан таъминладик.

Дўконда Ўзбекистон бозори томонидан тақдим этадиган маиший техника ва электрониканинг кенг турлари мижозлар эътиборига ҳавола қилинади, айни пайтда уларнинг нархлари ҳам мақбул. Савдо пайтида харидорлар учун турли-туман акциялар ва қўшимча хизматлар ташкил қилинади, бу уларга нархга оид чегирмалардан фойдаланиш имконини беради. Аввало, юнусободликлар ва бошқа туманлар аҳолисини аудиотизимлар ва телевизорлар қизиқтириши мумкин, улар бўйича кредитлар ва давомли тўловлар кўзда тутилган. Бизнинг дўконимиздан мақбул нархларда машҳур ишлаб чиқарувчиларнинг securityполдан тайёрланган экологик тоза чойнакларни, шунингдек, миксерлар, уяли телефонлар, музлатгичлар, микротўлқинли печларни харид қилиш мумкин.

Биз мижоз дўконга келиб, ҳордиқ чиқарган ҳолда ўзига узоқ вақт ва ишончли хизмат кўрсатувчи электр-маиший товар танлаб олиши учун барча зарур чораларни кўрамиз. Бунда товарнинг ҳақини исталган шаклда тўлаш мумкин – нақд пул билан, терминал орқали, кредитга ва давомли тўлов бўйича.

Дўкон очилган кунда биз тадбир ўтказдик. Харид қилинган ҳар бир "LG" кир ювиш машинасига чанг ютгич, сотиб олинган ҳар бир музлатгичга микротўлқинли печь совға сифатида қўшиб берилди. Бундай акцияларни ҳар ойда ўтказишни режалаштирганмиз. Хусусан, шунга келишдикки, кондиционерни харид қилишда харидорга уни ўрнатиш хизмати бепул кўрсатилади. Шунингдек, дўкон харидорлари у ёки бу товарни жиддий чегирма билан сотиб олиш бўйича бир зумлик ўйинда иштирок этишлари мумкин.

Умуман, аввал қайд қилинганидек, "Гудзон" тармоғидан 20 га яқин таниқли савдо белгилари товарлари, шу жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш мумкин.

**Ж.ЭЛИМОВ**

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар иштирокида "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.Ортиқхўжаев сўзга чиқиб, тадбиркор ва инвесторлар учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги эшиклари ҳар доим очиқ эканлиги, ҳар бир масала шаффоф, коррупциядан холи ҳал этилишини таъкидлади.***

Тошкент шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида аниқ мақсадли лойиҳалар жойлаштирилган кўргазмали стендлардан қатнашчилар ҳар бир лойиҳа билан индивидуал танишиш имконига эга бўлди. Унда Тошкент шаҳри ҳудудларини ривожлантиришга қаратилган ишлаб чиқариш корхоналари лойиҳаси, уй-жой, меҳмонхона, ижтимоий соҳа, хизмат кўрсатиш мажмуалари билан боғлиқ лойиҳалар ўрин олган.

– Қурилиш корхонамиз ташкил топганига 10 йилдан ошди, – дейди "Elegant perspective building" МЧЖ раҳбари Моҳира Тошхўжаева. – Бугунги тадбирга ўзимизнинг кўп қиррали қурилиш лойиҳамиз билан қатнашмоқдамиз. Миробод тумани Мироншоҳ кўчасида 1920 йилларда қурилган 400 га яқин нураб қолган уйлар бор, шуларни бузиш ҳисобига замонавий уй-жойлар, ижтимоий соҳа муассасалари қуриш лойиҳасини ишлаб чиқдик. Бу ерда мактаб, мактабгача таълим муассасаси, тиббиёт клиникаси, кўп қаватли уйлар, автомобиллар учун турар-гоҳ қурилади. Ўйлайманки, бу лойиҳа амалга ошса, пойтахтимиз янада обод бўлади, аҳоли фаровонлиги ошади, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

– Шайхонтоҳур туманида калава-ип ишлаб чиқариш корхонаси қурилиш лойиҳасини тақдим этдик, – дея суҳбатимизга қўшилди "Ali bobo grant" МЧЖ директори Бекзод Ниёзов. – Лойиҳани умумий қиймати 38 млрд. сўмни ташкил этади. Ўз маблағимиз, банк кредити ва хорижий инвестиция киритилади. Кунига 6 тонна пахтани қайта ишланиб, калава-ип ҳамда бўз мато тайёрланади. Бунинг натижасида 400 киши иш билан таъминланади.

Айтиш жоизки, бўлиб ўтган "Очиқ эшиклар куни"да юзга яқин тадбиркор ва инвесторлар ўзларининг аниқ мақсадли лойиҳалари билан иштирок этишди. Ишбилармонлар бу каби очиқ мулоқотлар келгусида ўз самарасини беришини эътироф этдилар.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# ТИНЧЛИК МАҚСАДЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ ЭНЕРГИЯ

***Атом электр станцияси асосан электр ёхуд иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган, ядро реактори ва бошқа зарур туташ қурилмаларни ўз ичига олган йирик мажмуа ҳисобланади. Бошқа электр станцияларидан фарқли ўлароқ АЭСларда электр қувватини олишда кўмир, нефть ёки мазут эмас, асосан, сайёрамизда кам тарқалган фаол радиоактив унсур – уран моддасидан фойдаланилади.***

Ўтган асрнинг 40-йиллари охирида олимлар атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш бўйича илк лойиҳаларни ишлаб чиқа бошлаган ва дунёдаги илк АЭС 1954 йил 27 июнда Россиянинг Обнинск шаҳрида ишга туширилган.

Йиллар ўтиши, ривожланиш, демографик кўрсаткичларнинг ўсиши билан дунё ҳамжамияти энергетика саноатида АЭСларнинг афзал жиҳатларини англаб етаётир. Халқаро атом энергияси агентлигининг 2017 йилги маълумотларига кўра, бугунги кунда ўттиздан зиёд мамлакатда 451 энергоблокка эга бўлган 191 АЭС ишламоқда. Ядро реакторлари АҚШда 99 та. Францияда 58 ядро реактори бўлиб, улар электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг 72,3 фоизини қоплайди. Шунингдек, ядро реакторларидан кенг фойдаланадиган мамлакатлар сирасига Россия (37), Хитой (36), Жанубий Корея (25) киради. Бундан ташқари, ҳозирги кунда жаҳонда 60 дан ортиқ янги АЭСлар қурилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 10 июль куни мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда бу соҳага алоҳида эътибор қаратиш замон талаби эканини қайд этди.

Бугунги кунда юртимиз аҳолиси сони 33 миллионга чиқди, лекин ўтган чорак аср давомида бирорта ҳам қудратли электр станцияси қурилгани йўқ. Шунинг ўзи бу соҳа эътиборга муҳтож эканини кўрсатади. Ҳисоб-китобларга кўра, киши бошига энергия таъминоти тахминан 30 фоиз камайган. Иқтисодиётимизни тубдан ривожлантириш, янги қувватлар барпо этишга қатъий бел боғлаганимиз энергияга талабни янада оширяпти. Шундай экан, ўзимизда мавжуд бўлган уран хомашёсига таяниб, атом электр станцияси қуришга қарор қилингани айни муддаодир.

Сўнгги вақтларда аҳоли турмушида шундоқ ҳам электр энергияси билан боғлиқ муаммолар кам эмасди. Кўрилаётган чора-тадбирлар, янги лойиҳалар асосида халқимиз, юртдошларимиз учун кенг имкониятлар яратилади.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида энергия таъминотининг тахминан 15 фоизи АЭСлар ҳиссасига тўғри келаётгани ҳамда ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич жуда юқори ва йилдан йилга ошиб бораётгани ҳисобга олинса, у баъзилар айтаётганидек хавфли эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт/соатни ташкил этади. Бу қувватнинг қарийб 85 фоизи газ ва кўмир ёқиш орқали, қолган 15 фоизи ГЭСларда ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади.

Иқтисодий ўсиш, аҳоли сони ва турмуш даражасининг ошиб бориши натижасида электр энергиясига талаб ҳам ортаверади. Бу эса янги қувватлар ташкил этиш зарурати туғдирмоқда.

20 граммлик уран 520 килограммлик кўмирнинг қувватини беради. Агар масалани ҳал қилишга бугундан киришмасак, келажак авлод бизни кечирмайди. Ҳозиргача юртимизда қазиб олинаётган уранни четга сотяпмиз. Бу ноёб хомашёни ўзимизда ишлатсак, жуда катта самарадорликка эришамиз.

Атом энергияси экологик тоза, бундай станциялар зарарли ис газини ҳосил қилмайди. Натижада мамлакатимизда табиий газни ёқишдан ҳосил бўладиган ва атроф-муҳитга тарқаладиган ис гази ҳажми йилига 3 миллион тоннагача камаяди.

АЭСларнинг афзаллиги жуда кам ёқилғидан улкан миқдорда энергия олинишида. Айтилганидек, бу биринчи навбатда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 1000 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш учун оддий иссиқлик электр станциялари 13 минг тонна заҳарли газ, 165 минг тонна кўмир чангини ҳавога чиқаради. АЭСларда бундай зарарли унсурлар захирадаги дизель генераторларини ишга тушириш ҳисобига жуда кам миқдорда ажралади. Иссиқлик электр станциялари шунча миқдордаги энергия ишлаб чиқариш учун 8 миллион тонна кислород сарфлайди. АЭС учун эса кислороднинг деярли кераги йўқ.

Аммо буни шунчаки қуришнинг ўзи етарли эмас. Соҳага малакали кадрлар керак. Шу боис бугунги кун билимдон ва малакали кадрларни тайёрлашимизни талаб этади. Ёшларимиз Москва муҳандислик-физика институтида таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда мазкур олий ўқув юртининг филиалини очиш ҳаракати бошланди. Уч йил ичида 4 минг нафар малакали мутахассис тайёрлашимиз зарур. Умуман, атом электр станцияси қурилишида 9 минг, ишга туширилгандан кейин 3,5 минг киши иш билан таъминланади.

Ҳар томонлама узоқни кўзлаб режалаштирилган экологик тоза ва зарарсиз ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига улкан ҳисса қўшади. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, электр энергиясига эҳтиёж қопланади. Шунинг ўзи катта ютуқ бўлиши аниқ.

**Саъдулла БАҲРОМОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси академиги**

**Хабарлар**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР РАМЗИ ҚАЙТАДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳри рамзи (герби)ни ишлаб чиқиш бўйича профессионал танлов ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда танлов комиссияси аъзолари, экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалри вакиллари иштирок этди.***

Танловда иштирок этиш учун тасвирий санъат, дизайн, графика, иллюстрация, реклама соҳасида ёки ушбу фаолиятнинг турдош соҳаларида билим ёки профессионал тажрибага эга мутахассислар таклиф этилади.

Танлов 2018 йилнинг 16 июлидан 25 августгача бўлган оралиқда ўтказилади. Танловга ишлар 18 август кунига қадар қабул қилинади. Танлов тўғрисидаги низом ва техник вазифалар билан Тошкент шаҳри ҳокимлигининг Tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Танлов комиссияси ва экспертлари таниқли рассом, санъатшунос ва мутахассислардан иборат.

Танлов натижаларига кўра битта ғолиб, иккинчи ўринни эгаллаган иккита совриндор ва учинчи ўринни эгаллаган учта совриндор аниқланади. Танлов ғолибларини аниқлаш Танлов комиссияси аъзоларининг очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Тадбирда танлов комиссияси аъзолари ва экспертлар журналистларнинг танловни ўтказиш билан боғлиқ саволларига жавоб қайтаришди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси Сергели тумани Кенгаши депутатлик гуруҳи, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида Сергели туманида жойлашган "Меҳригиё" маҳалла гузарида аҳолининг бўш бўлмаган қатлами учун туманда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди.***

– Мазкур ярмаркага туманимиздаги 40 га яқин корхоналар ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашмоқда, – дейди халқ депутатлари Сергели туман кенгаши депутати, тадбиркор Умид Муҳамедов. – Депутатлик гуруҳининг ташаббуси билан ушбу тадбир ташкил этилди. Аҳоли билан суҳбатлар жараёнида мавжуд муаммолар ўрганилмоқда. Уларда коммунал соҳа, уй-жой, бандлик масалалари кўтарилмоқда. Биргина, "Меҳригиё" маҳалласининг ўзида 30 га яқин фуқаро ишсизлиги аниқланган.

Тадбирда маҳалла фуқаролари ўзларига мақбул келадиган иш ўринлари билан танишдилар.

– "Дўстлик" маҳалласидан депутат этиб сайланганман, – дейди тадбиркор Анвар Мақсудов, – корхонамиз 8 йилдан бери кабель ва лак-бўёқ ишлаб чиқаради. Маҳаллада яшовчи аҳоли билан доимий учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борамиз. Аниқланган муаммолар ечими бўйича депутатлик сўрови олиб борилади.

– Олий маълумотли социологман, – дейди ярмарка иштирокчиси Ирода Орипова. – Мутахассислигим бўйича ишладим, ҳозир вақтинча ишсизман. Тадбирда иштирок этиб, ишга жойлашиш бўйича мутасаддилардан тегишли тавсияларни олдим.

Тадбир давомида қатнашчилар ишга жойлашиш ва мавжуд муаммолари юзасидан депутатлардан тегишли тавсияларни олишди.

**Зилола МАҲАМАДЖОНОВА,**
**Ўзбекистон жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 3-курс талабаси**

# ОБОД БЎЛАЁТГАН СУВ СОҲИЛЛАРИ

***Ёши катталарнинг айтишича, бир замонлар Тошкентдаги ариқ ва анҳорлар сувини аҳоли истеъмол қилган, сувга нон ивитиб ейишган... Бугун манзара ўзгарди. Энди бу сувни ичиш бир ёқда турсин, ҳатто чўмилиш ҳам хавфли.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, олиб борилган таҳлиллар вазият ачинарли аҳволга келиб қолганини кўрсатди. Хусусан, ариқ ва каналларнинг муҳофаза ҳудудларида ўзбошимчалик билан 1400 дан ортиқ турли бино ва қурилмалар, яшаш хонадонлари, савдо дўконлари, овқатланиш масканлари, гаражлар ва молхоналар қуриб олинган.

Энг ачинарлиси, қирғоқлар атрофидаги юзага келган бундай аянчли ҳолатлар сувнинг ифлосланишига, сув ва сув бўйидаги ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг йўқ бўлиб кетишига, экологик, эпидемиологик ҳолатнинг кескин ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Шу кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида ариқ ва каналлар, уларнинг ўзанлари, қирғоқ бўйларини тозалаш ва ободонлаштириш, муҳофаза ҳудудларида барпо этилган ноқонуний бино ва қурилишларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Сув каналлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз равон оқмоқда. Кўриб турганингиздек, кимгадир ғайри-табиий туюлган бу вазият ўзгармоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларидан оқиб ўтувчи канал атрофида мақсадли ишлар олиб борилаяпти.

Пиёдалар йўлаклари қайтадан таъмирланиб, йўл четига замонавий чироқлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида канал атрофига тўсиқлар ўрнатилиб, дарахтларнинг қуриб қолган шохлари олиб ташланди. Икки ярим километр масофадаги пиёдалар йўлаклари атрофига ётқизилган майса қопламалар ҳам кўркам қиёфа касб этмоқда. Айни дамда бу ҳудудда 500 га яқин ҳашарчи ва 100 га яқин техникалар жалб қилингани иш суръати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА СОДИҚ БЎЛАЙЛИК

***Мамлакатимизда кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда уламоларимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби Абдулазиз Мансуров қуйидагиларни гапириб берди:***

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида "Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз" дегани ислом дунёси томонидан ғоят мамнуният билан кутиб олинди.

Заминимиз ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланиши яхши маълум. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломаларимизнинг ислом цивилизациясига қўшган буюк ҳиссалари маълуму машҳур.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан уларнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро Ислом академияси, унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Ўтган йилдан бошлаб Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактаблари ўз фаолиятини бошлаган.

Ўзбекистон мусулмонлар идораси ҳаммуассис бўлган Ўзбекистон халқаро ислом академияси Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, араб, форс, инглиз, рус, урду, турк тиллари, халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлайди. Университет зиммасига, шунингдек, мамлакатдаги барча ислом таълим муассасалари фаолиятини ўқув-меъёрий ва ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириш вазифаси юкланган.

Кейинги пайтда амалга оширилган савобли ишлар қаторида буюк ҳадисшунос аллома Исо Термизийнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги мангу оромгоҳи ҳар томонлама обод қилиниб, у ерда алоҳида илмий марказ барпо этилганлигини айтиш керак. Шунингдек, Абу Муин Насафий зиёратгоҳида ҳам муаззам мажмуа барпо этилади. Бухорода машҳур Мир Араб мадрасасининг нуфузи ва мақоми оширилди, бу ердаги қадимий бинолар тубдан таъмирланмоқда, ён-атрофдаги ҳудуд ободонлаштириляпти. Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбараси ҳам янги қиёфа касб этмоқда.

Президентимиз тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялаш зарурлигини уқтирмоқдалар. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда Ислом цивилизацияси маркази ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, жаҳондаги бошқа энг нуфузли халқаро илмий муассасалар, хорижий мамлакатларнинг илмий жамғармалари, музейлари ва кутубхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда. Натижада Англиядаги "Ал Фурқон" халқаро қўлёзмалар жамғармаси Ислом цивилизацияси марказига 100 мингта ноёб қўлёзмалар каталогини, Франция миллий кутубхонаси араб ва лотин тилидаги 80 га яқин илмий-маърифий меросимизга оид қўлёзмалар ва китоб нусхаларини тухфа этди.

Фуқароларимизнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи тўлиқ таъминланаётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳозирги кунда масжидларимизнинг сони 2 мингтадан ортиб кетган. Буни мустабид тузум даври билан таққослайдиган бўлсак, масжидларимиз сони 250 бараварга ортганлигининг гувоҳи бўламиз. 2017 йилда 7200 нафар, яъни аввалги йилдагидан деярли бир ярим баравар кўп ҳамюртларимиз муборак Ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Президентимиз Фармони билан мамлакатдаги барча муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларни ўрганиб чиқиш натижалари асосида уларни "Вақф" фондига фойдаланиш учун ижарага бериш ҳуқуқи билан бириктириб бериш кўзда тутилган. "Вақф" фонди кўп йиллар давомида намунали фаолият юритаётган, уй-жойга муҳтож имом-хатибларга янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойларни сотиб олиб, текинга бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўқитувчи, илмий ходим ва мутахассисларининг тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3-4 бараварга оширилди. Ушбу ташкилотларда ишлайдиган фахрийларимизга эса пенсиялари тўлиқ тўланадиган бўлди.

Ислом илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз довруғини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида "Имом Бухорий" давлат мукофоти таъсис этилмоқда.

Давлатимизда муқаддас динимизнинг азалий қадриятлари-асл инсонпарварлик моҳияти, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлари бу қадар эъзозланаётганлиги ислом олами томонидан олқишланмоқда. Мусулмон оламидаги нуфузли халқаро ташкилотлар, катта обрў-эътиборга эга ҳомийлар азиз-авлиёларимизнинг ноёб меросини илмий тадқиқ этиш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини жаҳон аҳлига етказиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Ахир ислом динимизга давлат миқёсида шу қадар беқиёс эътибор берилаётган пайтда айрим юртдошларимизнинг сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга қўшилиб қолаётганлигидан кўз юма олмаймизку. Динимиз фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундагани ҳолда ўша бошқа кўчаларга кириб қолганлар исломни ниқоб қилган ҳолда хунрезлик, қотиллик, зўравонлик йўлини танлашмоқда.

Биз, энг аввало, ёшларимиз онгига инсон илм билангина Аллоҳни таниши, ҳақиқий саодатни қўлга киритиши, унинг шарофати билан юксалишини сингдиришимиз зарур. Дунёвий илм одамга ҳурмат ва фазилат келтиради, шунинг учун Расулуллоҳ ўз ҳадисларида марҳамат қилиб: "Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир", – деганлар.

Инсон ҳам имон-эътиқодли, ҳам илмли бўлса, ўз юртига садоқат билан хизмат қилади, Ватанининг шон-шуҳратини оширади. Муқаддас ислом динимизнинг асл моҳияти, инсонпарварлик қадриятларини тушуниб етмаган чаласавод эса оқ билан қорани ажратишга ақли ожиз бўлиб, мунофиқларнинг ноғорасига ўйнаб, миясини заҳарлайверади. Охир-оқибат улар ғараз ниятли кимсаларнинг қўғирчоғига, ушбу кимсалар амрининг қулига айланади. Чет элларда террорчи гуруҳлар сафига қўшилиб қолганларнинг қисмати бундан яққол далолат беради. Улар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилмоқда.

Баъзи ёшларимизда одоб-ахлоқ тушунчалари ҳам халқимизнинг азалий қадриятларига зидлиги, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўриш иллатларини пайқамасликнинг иложи йўқ. Нега улар буюк Баҳоуддин Нақшбанднинг "Дилинг – Аллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин" деган даъватидан бехабар? Бугун ёшларимизга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилганлигига қарамасдан ҳозирча бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Ўспиринларимизнинг муқаддас ислом динимизга асло хос бўлмаган соқол қўйишларини, ёш қизларимизнинг ҳижобга ўранишни урфга – модага айлантиришлари чаласаводлик аломатидан бошқа нарса эмасми? Ана шу ҳаётий мисоллар бизнинг диний-маърифий ишларимиз даражаси бугунги кун талабидан орқада қолаётганлиги, ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, умуман уларнинг дунёқараши, ҳаёт тарзи билан астойдил қизиқмаётганлигимиз, йигит-қизларимизни муқаддас динимизнинг тўғри – эзгулик, поклик, меҳнатсеварлик, фидойилик йўлига бошлаш учун етарлича саъй-ҳаракат қилмаётганлигимиздан бошқа нарса эмас.

Ёшларимизни муқаддас ислом динимиз, улуғ азиз-авлиёларимиз қадриятларини, аллома ва мутафаккирларимизнинг ноёб ва бебаҳо меросини тарғиб қилиш, уларни турли ёт ғоялардан асраш, замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб етишишлари, қалбларида буюк аждодларимизга муносиб бўлишдек юксак туйғуларни шакллантириш уламоларимиз ва имом-хатибларимизнинг бугунги кундаги энг асосий вазифасидир.

**Э.ЭРНАЗАРОВ**
**ёзиб олди**

# САРҲИСОБ, ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги Олий Мажлис Қонунчилик палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувдаги маърузасида ҳамда Парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар ижроси доирасида партия сиёсий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида ахборот берилди.***

Унда партия сиёсий кенгаши марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Партия Сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича қабул қилинган 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури қайта ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Айни вақтда партия Сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий йўналишдаги муҳим вазифалар сифатида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларига ҳамда ёш олимларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Фанлар академияси билан ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари имзоланиб, улар доирасида амалга ошириладиган вазифаларни бажариш учун иш режалари тасдиқланиб, бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган даврда партиянинг Амалий ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган партиявий лойиҳалар доирасида амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратилди.

Жумладан, халқ билан юзма-юз мулоқот ўрнатиш мақсадида партиянинг "Адолат – қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида барча даражадаги депутатлик корпуслари иштирокида жойларга қонунларнинг етиб бориши ва унинг ижросини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича тегишли давлат органларига таклифлар киритиш орқали қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар белгиланди. Партиянинг барча туман, шаҳар кенгашларида партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари мунтазам равишда маҳаллаларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўрнатилди.

Партия аралашуви билан ижобий ечимини топган масалалардан 60 фоизи соғлиқни сақлаш йўналишидаги муаммоларни ташкил этади. Фуқароларнинг соғлиғини тиклаши учун ордер олиш ва дори-дармон билан таъминлаш, ногиронлиги бўлган фуқароларга ногиронлик аравачалари олиб бериш ва моддий имконияти чекланган беморларга жарроҳлик амалиётини ўтказишда ҳудудлардаги соғлиқни сақлаш бошқармаларига депутатлик сўровлари чиқариш орқали ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда газ, электр таъминотидаги узилишлар, ичимлик суви, маҳаллий йўлларни таъмирлаш каби муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Партиянинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида партия фаоллари, маҳаллий депутатлар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилган мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари синфхоналаридаги ўқувчилар сонининг санитария-гигиена талабларига мослиги, умумий тиббий хизматнинг аҳволи, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси ва тоза ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатлари бўйича бир қатор амалий ишлар бажарилди.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида партия фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 17 та йиғилиши ўтказилиб, уларда 73 та қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб икки маротабага кўпайди.

Жорий йилнинг ўтган даврида барча йўналишлар бўйича партия фаолияти жонланди, аҳоли орасидаги нуфузи ошди. Ўтган бир йилда партия аъзолари 80 минг нафардан зиёдга ўсиб, бугунги кунда қарийб 276 минг нафарга етгани, жойлардаги бошланғич ташкилотлар сони 5200 дан ошгани шундан далолат беради.

Матбуот анжуманида ҳали партиявий фаолиятда бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги, ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланганлиги қайд этилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев билан учрашув ўтказилди.***

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Судьялар олий кенгаши аъзолари, Олий суд, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, Ички ишлар вазирлиги, соҳавий хизматлар масъул ходимлари иштирок этди.

Евгений Сисоев ўз маърузасида халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасидаги аҳвол, шунингдек, минтақадаги мавжуд муаммо ва таҳдидлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик билан бирга терроризм, экстремизм, наркотик моддалар тарқалишига қарши биргаликда кураш олиб борилаётгани, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда дунёнинг айрим минтақаларида, жумладан, қўшни Афғонистон ва Яқин Шарқ давлатларида содир этилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси истиқлолнинг дастлабки йилларидан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласида ўз позициясига эга бўлиб, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йил 26-27 март кунлари пойтахтимизда Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясининг ўтказилиши минтақа давлатларининг тинчлиги ва тараққиёти учун кенг имкониятлар эшигини очган ҳолда, уларнинг биргаликдаги умумий муаммоларни ҳал этишга қодирлигини намоён қилди.

– Ҳар қандай кўринишдаги терроризм ва экстремизм хавфсизликка таҳдид солаётган офатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси У.Рўзиев. – Бугунги учрашувда мавзу бўйича зарур ахборотга эга бўлдик. Ҳудудларда аҳоли билан ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, давра суҳбатларида вояга етмаганларни экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолишдан ҳимоя қилиш лозимлиги тушунтирилмоқда. Жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан, тузалиш йўлига ўтган шахслар билан суҳбатлар ўтказилиб, соғлом муҳитга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Бу борада соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти фуқароларга етказилмоқда.

Тадбирда терроризмга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асослари, бу борада ҳамкорликни таъминлаш ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга тааллуқли масалалар ҳам муҳокама этилди. Айниқса, ёш авлоднинг терроризм ва тажовузкор экстремизм таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича фикр алмашилди.

**ЎзА**

***Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси "Қабул – 2018: шаффофлик, ҳалоллик, адолат мезонлари ва инновацион ёндашув" мавзусида ўтказилди.***



# РЕКТОРЛАР МУРОЖААТИ: АБИТУРИЕНТЛАР, ЎЗ БИЛИМИНГИЗГА ИШОНИНГ!

Видеоселектор тарзида ўтган сессияда олий ўқув юртларига қабул жараёни ва тест имтиҳонларига тайёргарлик ишлари таҳлил қилинди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбарияти, олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги олий таълим муассасалари ректорлари ва масъул ходимлари жойлардаги студиялар орқали боғланишди.

2018/2019 ўқув йилида бакалаврлар учун умумий квота 69 минг 200 тани ташкил этади. Шундан давлат грантлари учун – 17 минг 654, тўлов-контрактга эса – 51 546 та жой ажратилди. Магистратура босқичида 5 минг 903 нафар, давлат грантига 1 минг 552 нафар ва тўлов-контракт асосида 4 минг 351 нафар талаба қабул қилинади.

ОТМларнинг сиртқи ва кечки таълим бўлимларида ўқитиш қиймати тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича кундузги ўқитиш шакли қийматидан кам бўлмаган миқдорида белгиланади. Республика бўйича жами 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 19 та филиалига 675 минг 49 нафар абитуриент ҳужжат топширди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва касбий (ижодий) имтиҳон жараёнларини юқори савияда, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига қулайлик яратган ҳолда адолатли ва шаффоф ташкил этиш мақсадида қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, бакалавриатга тест синовларисиз касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича тасдиқланган таълим йўналишлари учун кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 25 июлидан 10 августигача бўлган даврда олий таълим муассасаларида ўтказилиши белгиланди.

Иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар адолатли ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида жорий йилда илк маротаба олий таълим муассасаларида келишув асосида маҳаллий ҳокимликлар кенгашларига сайланган депутатлар ҳамда абитуриентларнинг ота-оналари иштирокида жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон олий таълим даргоҳлари тарихида биринчи марта Ректорларнинг Мурожаати ҳавола этилди ва қабул қилинди.

Матнда абитуриентларнинг ўз билимигагина ишониши лозимлиги қайд этилган: "Кўряпсизки, ёшларнинг илм-фан ва касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб берилмоқда. Бугун ўзингиз учун касб танлаб, ўқишга киришга аҳд қилдингизми, ўз билимингизга, ақл-заковатингизга ва сизларга шу шароитларни яратиб берган Президент ишончига муносиб бўлинг ва муносиб иш қилинг. Кириш имтиҳонларига, тест синовларига пухта тайёргарлик кўриб, бу имтиҳонлардан ўз билимингиз билан ўтишга бел боғланг".

Шунингдек, ота-оналар ҳам ҳалолликка чақирилди. "Афсуски, товламачилар ва фирибгарларнинг дунёқараши ўзгармаяпти. Улар ҳамон эскича ўй-хаёлларда, мўмай ва қинғир йўллар билан даромад топиш илинжида юрибди. Уларнинг тузоғига илиниб қолманг", дейилади мурожаатда. Халқимизда "қарс икки қўлдан чиқади" деган нақл бор. "Коррупция тўғрисида"ги қонуннинг тегишли бандларига кўра пора берган ҳам, пора олган ҳам қонун олдида тенг жавобгар саналади ва муқаррар жазога тортилади. Фарзандингизга ёрдам бераман десангиз, ноўрин ва пинҳона хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг! Бу йўлдаги ножўя қадам билингки, кун ўтиб бир кун болангиз келажаги учун қаттиқ зарба бўлиши мумкин.

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари раҳбарлари қабул жараёнлари, Ректорларнинг Мурожаати бўйича ўз муносабатларини билдирди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Футбол янгиликлари

# ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

***ЎФАнинг Ҳакамлар ва назоратчилар бошқармаси қошида Ҳакамлар бўйича экспертлар гуруҳи ташкил этилди.***

Бундан кўзланган асосий мақсад Суперлига, Пролига ҳамда ЎФА томонидан ташкил этиладиган учрашувларни бошқарувчи ҳакамларнинг савиясини ошириш, уларнинг ўйин давомидаги хатоларини камайтириш, наҳалол ҳакамликнинг олдини олишдир. Тез орада мухлислар ва ҳакамлар орасида интерактив алоқани йўлга қўйиш мақсадида янги платформа ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Ушбу платформа ишга тушса мухлислар экспертларга бўлиб ўтган учрашувлардаги вазиятлар, ҳакамларнинг хатти-ҳаракатлари борасида саволлар ҳамда таклифлар билан мурожаат қилишлари ва улардан тегишли жавобларни олишлари мумкин бўлади.

# АЗИЗБЕК ҲАЙДАРОВ ҚАДРДОН ЖАМОАСИГА ҚАЙТДИ

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоамизнинг етакчи футболчиларидан бири, моҳир ярим ҳимоячи Азизбек Ҳайдаров 2007-2011 йилларда "Бунёдкор" сафида самарали тўп сургани барчанинг ёдида.***

Сўнгги йилларда қитъамизнинг номдор клублари шарафини ҳимоя қилган Азизбек Ҳайдаров Тошкентга қайтди. Гап шундаки, Азизбек Ҳайдаров эндиликда "Бунёдкор" сафида Суперлига мусобақаларида қатнашади. Унинг "Бунёдкор" клуби билан шартномаси мавсум якунига қадар амал қилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**





# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИҚ WI-FI ТАРМОҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ҚОИДАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

***Ресторан, кафе, савдо уйлари, умуман, жамоатчилик жойларида бепул Wi-Fi мавжудлиги соғлом рақобатни юзага келтирмоқда. Бугунги замондошимиз бундай жойларда бепул интернети бор манзилни танлаши табиий. Аммо... Очиқ Wi-Fi тармоғи орқали амалга оширилаётган кибержиноятлар ва фирибгарлик ҳолатлари ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.***

Одатда жиноятчилар умумфойдаланадиган тармоқларни ёқтиради. Бу тармоқда жиноятчиларни идентификациялаш ва фойдаланувчилар орасидан топишнинг деярли имкони йўқ. Шунингдек, жиноятчилар жамоат жойларида ўзларининг сохта Wi-Fi тармоғини яратиб, ундан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини ўғирлаган ҳолатлари ҳам кузатилади.

Адлия вазирлиги бу каби ҳолатларни бартараф этиш ва очиқ Wi-Fi тармоғи фойдаланувчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғи хизматларини кўрсатиш қоидаларининг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғини рўйхатдан ўтказди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг маълум қилишича, мазкур ҳужжат туризмни ривожлантириш, мамлакатимиз миқёсида хавфсиз, очиқ Wi-Fi тармоқлари сонини ошириш мақсадида қабул қилинган. Ҳужжат, шунингдек, хорижда мамлакатимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади. Айни дамда ундан фойдаланиш шароитлари ҳам сифатли бўлиши керак. Юқори даражадаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланувчилар шахсини идентификациялаш мажбурий бўлади.

Маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғи хизматларини кўрсатиш қоидаларининг янги таҳририда очиқ тармоқларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича талаблар алоҳида боб сифатида киритилган. Унга кўра, фойдаланувчининг телефон рақами орқали идентификациялашда ишлаш муддати чекланган вақтга эга бўлган бир марталик пароль ёрдамида аутенфикация қўлланиши керак. Бундай пароль SMS-хабар орқали фойдаланувчининг телефон рақамига юборилади. Ҳужжатда Wi-Fi тармоқлари яратувчилари учун ҳам алоҳида талаблар тақдим этилган. Бундан буён улар фойдаланувчилар шахсий маълумотлари ва хабарларини сир сақлаши лозим. Мазкур шарт бўйича чекловларга қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассислари ва экспертлари мазкур қоидаларни ишлаб чиқиш жараёнида жамоат жойларида очиқ Wi-Fi тармоқларидан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибани ўрганди.

Таъкидлаш жоизки, қатор мамлакатларда Wi-Fi дан бепул фойдаланиш фақат идентификацияланган фойдаланувчилар ҳамда Wi-Fi тармоқларини ривожлантиришга кўмаклашувчилар, масалан, тегишли ускунани таъмирлаш учун ўз уйи томини берган фуқароларга тақдим этилади. Бу каби схемалар Эстония, Финляндия каби мамлакатларнинг муниципалитет органлари, университетлари ва тижорат ташкилотлари томонидан ҳамда Париж, Иерусалим сингари шаҳарларда қўлланилади. Фойдаланувчини Wi-Fi дан оммавий фойдаланиш жойи томонидан идентификациялаш бўйича талаблар қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, Италия ва Жанубий Кореяда ҳам мавжуд.

Бугунги кунда фойдаланувчилар, жумладан, сайёҳлар ҳам аэропорт ва вокзаллар, жамоат транспорти, маданий мерос ва сайёҳлик объектларида очиқ тармоқлардан хавфсиз фойдаланишни истайди. Айнан очиқ ва хавфсиз Wi-Fi тармоқларини ривожлантириш мақсадида ҳам фойдаланувчилар учун юқорида кўрсатилган ҳужжат томонидан тасдиқланган оддий ва қулай идентификациялаш тизими қабул қилинди. Дунё миқёсидаги миллионлаб фойдаланувчилар ҳар куни очиқ Wi-Fi тармоқларидан фойдаланиш учун идентификациялаш жараёнидан ўтади. Бу вақт синовидан ўтган жаҳон тажрибаси ҳисобланади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо" (КТИАС) МЧЖ оммавий офертага таклиф этади:**

"O`zsanoatqurilishbank" АТБ Фарғона минтақавий филиалининг Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уйда жойлашган собиқ банкрот корхона "Қувасой чинниси" АЖнинг қисман мулкий комплекси негизида ташкил этилган "Ferghana Ceramics Industry" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 100 фоиз улушига оммавий оферта эълон қилинади.

Оммавий офертада қатнашишга буюртманома қабул қилиш оферта эълон қилинган санадан бошланади ва 2018 йил 7 август куни соат 12.00 да тугатилади.

Талабгорларнинг акцептлари (таклифлари) билдирилган конвертлар 2018 йил 8 август куни соат 11.00 да очилади.

**Оммавий оферта шартномасининг муҳим шартлари:**

– Улушнинг бошланғич қиймати – 23 174 823 706,5 сўм;

– Оммавий офертада қатнашиш учун улуш бошланғич қийматининг 0,15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули;

– Оммавий оферта ғолиби оферта ўтказилгандан сўнг 10 иш куни ичида "Ferghana Ceramics Industry" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 100 фоиз банк улушини сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномасини ўрнатилган тартибда имзолаш;

– Банк улуши олди-сотдисини расмийлаштириш жараёнидаги харажатлар, хусусан, оммавий оферта савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа харажатларни харидор ҳисобидан амалга ошириш.

Оммавий офертада қатнашиш учун: савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда курьер ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда оммавий офертада қатнашишга таклифни муҳрланган конвертда тақдим этади:

– Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий офертада қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– Жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– Закалат пули тўланганлик тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлар закалат пулини КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, СТИР 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: **249-54-59.**

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан симменталь зотига тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия ускунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқариш)ни сотиб олиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko`chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 17.05.2017 йилда № 518416 рақами билан рўйхатдан ўтган "SAODATXON-FARM" МЧЖ (ИНН 304895846) таъсисчининг 20.07.2018 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, Янгитурмуш 1-тор кўчаси, 6-уйда қабул қилинади. Тел: +99897 719-88-99.

"OMADLI KELAJAK TARAQQIYOTI" МЧЖ (ИНН 304689254) устав фондининг 52 500 000 сўмдан 50 000 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади. Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. Тел: +99897 410-64-02.

"Қибрай тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузел ҚФЙ Хонариқ 2-берк кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган "КАПИТАЛ СУҒУРТА" АЖ учун берилган нотурар жойнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2018 йил 27 августда такроран ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.**

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– ушбу давлат активлари учун энг камида қуйидаги жадвалда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;

– янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

– сотиб олиш тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларга амалга ошириш.

**Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиздан кам бўлмаган закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– таклифлар (бизнес-режалар) солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

– *нодавлат юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (зарур бўлганда);

– талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (мавжуд бўлганда).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни/буюртманомаларни қабул қилиш оферта савдосини ўтказиш бошланишидан 1 иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Музокаралар 2018 йил 27 август куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16А-уй манзилида ўтказилади.

Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда 2018 йил 11, 26 сентябрь ва 11 октябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефон: 233-35-08, 233-21-40.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ҳамда фармойишларига асосан давлат активларини такроран тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оммавий оферта) орқали сотилиши белгиланган объектлар РЎЙХАТИ**

| № | Объект номи | Жойлашган манзили | Балансда сақловчи ташкилот | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м) ёки давлат улуши миқдори (%да) | Асос | Бошланғич баҳоси (сўм) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси | Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй | МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси | 17,5% | ПҚ-2340 28.04.2015й. | 1 331 546 580,00 | – энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни энг қисқа муддатларда амалга ошириш | |
| 2 | "Наврўз" савдо мажмуасининг темирконструкцияси | Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Бинолардан фойдаланиш департаменти" ДУК | – | ВМ-233 12.08.2011й. | 6 607 065,00 | | |
| 3 | "Марҳамат" қаҳвахонаси бино ва иншоотлари | Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй | "Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ | 422 | ВМ-83 04.04.2014й. | 353 440 291,00 | | |
| 4 | "Landshaft dizayn markazi" ДУК | Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 26-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги | 100% | ПҚ-2340 28.04.2015й. | 72 668 300,00 | | |
| 5 | Бир қаватли бинонинг 379 кв.метрга тенг бўлган фойдаланилмаётган ертўла қисми | Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 4А-уй | Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги | 379 | ВМ-39 02.03.2015й. | 1 707 783 049,33 | | |
| 6 | 5 қаватли бинонинг 5 қавати қисми | Чилонзор тумани, "М" мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 28А-уй | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси "Ўзгипроўрмонлойиҳа" ДУК | 834 | ВМ-540-ф 16.07.2015й. | 1 865 092 160,00 | | |
| 7 | 4 қаватли бинонинг қисми | Чилонзор тумани, 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 21-уй | Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси | 2 198 | ВМ-540-ф 16.07.2015й. | 6 175 368 504,00 | | |
| 8 | Маъмурий технологик комплекс, иссиқхоналар, маданият ва истироҳат боғининг бино ва иншоотлари | Учтепа тумани, Саккокий кўчаси, 3А-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Маданият бошқармаси | 20 628 | ВМ-507-ф 23.06.2016й. | 44 421 125 948,00 | | |
| 9 | Меҳмонхона биноси | Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги ("Тошкент саёҳатсервис" МЧЖ) | 6 178,3 | ВМ-507-ф 23.06.2016й. | 28 613 375 389,73 | | |


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 3-8, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 19-21, кундузи – 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345